

# Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судларда ишларни автоматик тарзда тақсимлаш тўғрисида НИЗОМ

## 1. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судларига (кейинги матнда - биринчи инстанция судлари) келиб тушган даъво ариза (ариза)лар, шунингдек, биринчи инстанция судлари ҳужжатлари устидан келиб тушган шикоят (протест)лар билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий суди (кейинги матнда -апелляция (кассация) инстанцияси суди)га қабул қилинган ишларни автоматик тақсимлаш тартибини белгилайди.

Биринчи инстанция судига келиб тушган даъво ариза (ариза)лар, апелляция (кассация) инстанцияси судига қабул қилинган ишлар шикоят (протест)лар билан бирга фақатгина ушбу Низомда назарда тутилган ҳолатларда қўл ёзма шаклида тақсимланиши мумкин.

1.2. Иқтисодий судларда ишларни автоматик тарзда тақсимлаш суд ишларини оптималлаштириш ва соддалаштириш, календарь йили давомида судьялар ўртасида иш ҳажмини тенг тақсимлаш, шунингдек, бу борада субъектив ёндашувни олдини олиш мақсадида жорий этилади.

1.3. “Автоматик тарзда ишларни тақсимлаш” деганда (кейинги матнда - АТИТ) биринчи инстанция судига келиб тушган даъво ариза (ариза)лар ва апелляция (кассация) инстанцияси судларига келиб тушган ишларни “Е-XSUD” ахборот тизимида (кейинги матнда - “Е-XSUD” АТ) ишларни автоматик тақсимлаш Модули (кейинги матнда - АТИТ Модули)дан фойдаланган ҳолда тақсимлаш тушунилади.

1.4. Судьяни рад қилиш ҳақида ариза қабул қилинганлиги, судья ўзини ўзи рад қилганлиги сабабли ишни бошқа судьяга ўтказиш, назорат инстанцияси суди томонидан янгидан кўриш учун юборилган ишлар, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда бошқа иқтисодий суддан қабул қилинган ишлар, шунингдек Олий суд раисининг фармойишига асосан кўриб чиқиш учун юборилган ишлар суд раиси ёки унинг вазифасини бажарувчи шахс томонидан қўлда ёзма шаклида амалга оширилади.

Судьянинг асослантирилган аризасига мувофиқ (масалан, суд ишлари юритилаётган тилни билмайдиган судья томонидан суд ишини юритиш зарурати вужудга келганда) иш суд раиси ёки унинг вазифасини бажарувчи шахс томонидан бошқа судьяга олиб берилиши мумкин.

Мазкур банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларида назарда тутилган ишларни тақсимлаш натижаси бўйича девонхона мудирини тегишли маълумотларни АТИТ Модулига киритади.

1.5. Қарши даъво келиб тушганда, девонхона мудирини қарши даъвони, дастлабки даъво иш юритувида бўлган судьяга ўтказиш тўғрисида АТИТ Модулига қайд этади.

1.6. Мазкур Низомда назарда тутилган АТИТ тартиби бир таркибли туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судига ва назорат инстанцияси судига татбиқ этилмайди.

## 2. АТИТ учун асослар

2.1. Биринчи инстанция судида АТИТ учун қуйидагилар асос бўлади:  
судьяларнинг ҳудудий ихтисослашуви;  
судьяларнинг ҳудудий ихтисослашувига мувофиқ тақсимланмайдиган даъво ариза (ариза)лар реестри.

Туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судларида иш куни давомида келиб тушган даъво ариза (ариза)лар реестри АТИТ учун асос бўлиб ҳисобланади.

Апелляция (кассация) инстанцияси судида иш куни давомида апелляция (кассация) шикоят (протести) билан бирга келиб тушган ишлар реестри АТИТ учун асос бўлиб ҳисобланади.

2.2. Судьяларнинг ҳудудий ихтисослашуви деганда, туманлараро иқтисодий суди раисининг фармойишига асосан судьяларга у ёки бу туман (шаҳар) бириктирилиши ва ушбу туман (шаҳар)дан келиб тушадиган мазкур Низомнинг 1-иловасида санаб ўтилган даъво ариза (ариза)ларни кўриб чиқилиши тушунилади.

Туманлараро иқтисодий судлари раислари келгуси календарь йилининг 1 январига қадар мазкур иқтисодий суд ҳудудидаги маълум бир туман (шаҳар)ларни судьяларга бириктириш ҳақида фармойиш чиқаради. Фармойишда у ёки бу судьянинг меҳнат таътилида, ўқишда (малака ошириш), хизмат сафарида ёки меҳнатга лаёқатсиз бўлган (касаллик) даврида судьяларнинг ўзаро алмашинуви кўзда тутилган бўлиши лозим.

Туманлараро иқтисодий суди раиси у ёки бу тумандан келиб тушаётган даъво ариза (ариза)ларнинг сони ва судьяларнинг иш юкламаси даражасидан келиб чиқиб, ҳудудий ихтисослашувни қайта тақсимлаш йўли билан судьяларнинг ҳудудий ихтисослашувига ўзгартириш киритишга ҳақли. Бу ҳақида алоҳида фармойиш чиқарилади.

Судьяларнинг ихтисослашуви АТИТ Модулига туманлараро иқтисодий судлари раислари фармойишига асосан девонхона мудирлари томонидан киритилади.

2.3. Судьяларнинг ҳудудий ихтисослашуви бўйича тақсимланмайдиган даъво ариза (ариза)лар судьялар ўртасида уларнинг АТИТ модули томонидан шахсий иш юкламаси ҳисобга олинган ҳолда тақсимланади.

2.4. АТИТда судьяларнинг шахсий иш юкламаси кўрилган ишлар ва тақсимланган, лекин кўрилмаган ишлар жамланмаси бўйича белгиланади.

2.5. Судьялар иш юкламасининг ҳисоби АТИТ Модулида автоматик тарзда ҳисобланади. Кўрилган ишлар бўйича юкламани ҳисобга олиш даври, даъво ариза (ариза)лар асосида кўрилган ишлар бўйича судьяларнинг иш юкламаси ҳисобига олиниши лозим бўлган календарь кунлар сони билан белгиланади.

Умумтизимда белгиланган параметрнинг моҳияти – 365 кун (яъни, жорий сана – 365 кун).

### **3. Биринчи инстанция судида АТИТда ҳисобга олинадиган юклама ва мураккаблик коэффицентлари**

3.1. Биринчи инстанция судида ягона мураккаблик коэффицентлари қўлланилади: 1 – даъво ариза (ариза)ларга, 0,1 – суд буйруғи бериш тўғрисидаги аризаларга (1-илова).

Алоҳида тоифадаги низолар (ишлар)га мазкур Низомнинг 2-иловасида белгиланган тузатувчи коэффицентлар қўлланилади.

3.2. Биринчи инстанция судида судга келиб тушадиган даъво аризалари (аризалар)ни автоматик тарзда тақсимланганда, судьялар учун ягона юклама коэффицентлари қўлланилади – 1 ёки 100 фоиз.

Қўшимча юкламанинг ҳисобини юритиш мақсадида суд раисига 0,6 ёки судьянинг максимал юкламасининг 60 фоиз миқдорида тузатувчи коэффицент қўлланилади.

Биринчи марта тайинланган судьяларга 0,5 ёки судьянинг максимал юкламасининг 60 фоиз миқдорида юклама коэффицентлари қўлланилади. Бунда судда ҳисобот йили якунланганига қадар, чоракда 25 фоиздан кам бўлмаган миқдорда юклама коэффицентлари аста-секин ошириб борилиши инобатга олинади.

3.3. Судьяга бир кунда режали тақсимланадиган максимал ишлар сони, шу кунга келиб тушадиган даъво аризалари (аризалар) сонидан келиб чиқиб белгиланади.

3.4. Қарши даъво аризаси келиб тушган ва уни қабул қилиш ҳақида ажрим чиқарилган тақдирда, девонхона ходими ишнинг мураккаблиги коэффицентини АТИТ Модулида қўлда ўзгартиради. Бундай ҳолда ишнинг мураккаблиги даражаси 2 бараварга кўпайтирилади.

### **4. Апелляция (кассация) инстанцияси судида АТИТ учун инобатга олинувчи юклама ва мураккаблик коэффицентлари**

4.1. Апелляция (кассация) инстанцияси судида ишни автоматик режимда тақсимлашда апелляция (кассация) шикоят (протести) судга келиб тушиши билан бирга судьялар учун 1 ёки 100 фоиздан иборат ягона юклама коэффицентлари белгиланади.

Апелляция (кассация) инстанцияси суди раисининг қўшимча юкламасини ҳисобга олиш мақсадида судьяларнинг энг кўп юкламасига нисбатан 0,5 ёки 50 фоиз миқдорида тўлдирувчи коэффицент белгиланади.

Янгидан тайинланган судьяларга суддаги ҳисобот йилининг якунига қадар, юклама коэффицентини ҳар чоракда 25 фоиздан кам бўлмаган миқдорда ошириб бориш шарти билан судьяларнинг энг кўп юкламасига нисбатан 0,5 ёки 50 фоиз миқдорида коэффицент белгиланади.

4.2. Шу кунда апелляция (кассация) шикоят (протест)лари билан бирга келиб тушган ишлар сонидан келиб чиққан ҳолда судьяга кунлик ишларнинг энг кўп миқдори дастур орқали тақсимланади.

4.3. Назорат инстанцияси томонидан янгидан кўриш учун юборилган ишлар келиб тушганда, ишнинг мураккаблик коэффиценти 1,5 га кўпайтирилади.

## **5. АТИТнинг судьяларни кўриш имконияти**

5.1. Судьяларнинг бўлмаган даври АТИТ Модулининг “судьяларнинг имконсизлиги даври” классификаторида расмийлаштирилади.

5.2. Судьянинг бўлмаган даврини кўрсатиш, бунинг сабаби тушунтирилган ҳолда, суд раисининг буйруғи (фармойиши), вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик варақаси ва бошқа ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

5.3. Судьяга меҳнат таътили бериш (иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил бериш) ёки хизмат сафарига юбориш ёхуд ўқиш (малака ошириш)га юбориш тўғрисида суд раисининг буйруғи (фармойиши) чиқарилган куннинг эртаси куни суднинг кадрлар масалалари бўйича ходими судья бўлмайдиган даври тўғрисидаги маълумотни АТИТ Модулига киритиш учун девонхона мудирига топширади.

Судьянинг бўлмаган даври меҳнат таътили бошланишидан ўн беш кун олдиндан, хизмат сафарига юборилганда, ўқиш (малака ошириш)га юборилганда ёки иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътилга юборилганда эса бу тўғрисидаги буйруқ (фармойиш)нинг нусхаси девонхонага топширилган кундан ҳисобланади.

Судьянинг ишда бўлмаган даврининг бошидан судьяга иш тақсимлаш тўхтатилади ва судья ишга чиққан биринчи кундан тикланади.

5.4. Иш вақти давомида суднинг кадрлар билан ишлаш ходими, судьянинг меҳнатга лаёқатсиз эканлиги тўғрисида маълумотга эга бўлиб, ушбу маълумотни АТИТ Модулига киритиш учун девонхона мудирига тақдим этади.

Судьянинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлиги туфайли даъво ариза (ариза)лар ва ишларни тақсимлаш судьянинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизликка чиққан биринчи уч иш куни ичида тўхтатилмайди ва судьянинг меҳнатга лаёқатсизлик давридан кейин ишга чиққан биринчи кунида тикланади.

5.5. Даъво ариза (ариза)ларни ҳамда ишларни тақсимлаш қўйидаги ҳолатларда тўхтатиб турилиши мумкин эмас, судья:

иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътилга чиқса ва ушбу таътил муддати уч иш кунидан ошмаса;

хизмат сафарига бўлиб, хизмат сафари муддати уч иш кунидан ошмаса;

ўқишда (малака ошириш) бўлиб, ўқиш муддати уч иш кунидан ошмаса.

## **6. АТИТни амалга ошириш тартиби**

6.1. Биринчи инстанция судига келиб тушадиган барча даъво ариза (ариза)лар қандай усулда (қоғоз ёки электрон шаклда) келиб тушишидан қатъи назар улар девонхона мудир томонидан “Е-XSUD” АТда қатъий кетма-кетликда киритилади. Судьяларнинг ҳудудий ихтисослашуви бўйича тақсимланадиган даъво ариза (ариза)лар бўйича девонхона мудир судьянинг тегишли коддини киритади.

“Е-XSUD” АТга дастур орқали келиб тушган даъво ариза (ариза)ларни киритишда, уларга кирим рақами берилади ва у эса даъво ариза (ариза)нинг биринчи варағида кўрсатилади.

Даъво ариза (ариза)лар ва суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризаларни рўйхатга олиш алоҳида-алоҳида амалга оширилади.

6.2. Иш куни давомида келиб тушган барча даъво ариза (ариза)лар рўйхатга олиб бўлингандан сўнг девонхона мудирининг томонидан АТИТ Модули ишга туширилади (“ишларни тақсимлаш” тугмаси ҳаракатга келтирилади) ва АТИТ амалга ошади.

6.3. АТИТ Модули ишга тушгач, АТИТ амалга оширилган кунда ишда бўлган ва шу пайтда юклама коэффиценти энг кичик бўлган судьянинг автоматик тарзда танлайди. Худудий ихтисослашув бўйича тақсимланганидан даъво ариза (ариза)лар бундан мустасно, уларнинг девонхона мудирининг томонидан қўйилган судьянинг тегишли коди асосида АТИТ Модули тақсимлайди.

6.4. АТИТ амалга оширилганидан сўнг “Е-XSUD” АТда суд ишининг электрон маълумотида тегишли даъво аризаси (ариза) ва унга илова қилинган ҳужжатлар берилиши лозим бўлган судьянинг автоматик тарзда қўйилади.

6.5. Тақсимлаш натижаси бўйича АТИТ Модули даъво ариза (ариза)лар реестри (рўйхати) ва суд буйруғини бериш ҳақидаги аризалар реестрининг, у ёки бу даъво аризаси (ариза) ва унга илова қилинган ҳужжатлар топширилиши (ўтказилиши) лозим бўлган судьянинг фамилияси, исми ва шарифининг кўрсатган ҳолда шакллантирилади.

Девонхона мудирининг АТИТ Модулида шаклланган реестр (рўйхат)ларни босмадан чиқаради ва топширилиши лозим бўлган даъво аризаси (ариза) ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг судьяга имзо қўйдириб топширилади.

Даъво ариза (ариза)ларнинг топшириш якунланганидан сўнг ҳужжатларнинг қабул қилган шахсларнинг имзоси қўйилган ҳужжатлар реестри суд девонхонасининг тегишли йиғмажилдига тикилади.

6.6. Барча даъво ариза (ариза)лар келиб тушган куннинг эртасидан кечиктирмасдан, агар шу кун дам олиш ёки байрам кунига тўғри келса, дам олиш ёки байрам кунидан кейинги кун соат 12<sup>00</sup>га қадар топширилади.

6.7. Агар электр энергияси ўчирилган ва шу сабабли келиб тушган даъво ариза (ариза)ларнинг “Е-XSUD” АТга киритиш мумкин бўлмаса ва (ёки) “Е-XSUD” АТга киритиш ва АТИТ Модули асосида ишларнинг тақсимлаш имконияти бўлмаса, ишларнинг тақсимлаш электр энергияси берилганидан кейин, лекин ҳар қандай ҳолатда кейинги кун соат 10<sup>00</sup> дан кечиктирмасдан амалга оширилади. Агар кейинги кун соат 10<sup>00</sup> га қадар электр энергияси берилмаса, бунда ушбу Низомнинг 9.4-бандида белгиланган қоидалар қўлланилади.

6.8. Барча апелляция (кассация) инстанцияси судларига келиб тушган ишлар апелляция (кассация) шикоятининг (протестининг) билан бирга девонхона мудирининг томонидан судга келиб тушган вақтдаги қатъий кетма-кетлик асосида “Е-XSUD” АТда рўйхатга олинади.

АТИТ бўйича кейинги ҳаракатлар ушбу Низомнинг 6.2-6.7-бандларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

## **7. Ишларни қайтадан тақсимлаш**

7.1. Судья томонидан қабул қилинган ишлар ёки даъво материаллари фақатгина қуйидаги ҳолатларда суд раисининг фармойиши билан бошқа судьяга кўриб чиқиш учун ўтказилади:

иш юритишни судья билмайдиган тилда юритиш зарурияти вужудга келганда;

бир нечта ишларни битта иш юритишга бирлаштириш зарурияти туғилганда;

судьяни рад қилиш ёки ўзини-ўзи рад қилиш қабул қилинганда;

судья меҳнат таътилига кетганда;

судья узоқ муддат касал бўлганда;

судья ўқиш ёки хизмат сафарига кетганда;

судьянинг ваколати муддатидан олдин тугатилганда.

7.2. Судья ишда бўлмаган даврда ишларни кўриб чиқилиши лозим бўлган ишлар АТИТ натижаларига кўра бошқа судьяга ўтказилади.

Девонхона мудирини судья бўлмаган даврда кўрилиши лозим бўлган ишларни “Е-XSUD” АТда белгилайди ва АТИТ Модулини ишга туширади (“ишларни тақсимлаш” тугмачасини ҳаракатга келтиради) ва АТИТ амалга оширилади.

Биринчи инстанция судида ҳудудий ихтисослашув бўйича судьяларга тақсимланадиган ишларни қайта тақсимлаш, судьяларнинг ўзаро алмашинуви ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади (ушбу Низомнинг 2.1-банди).

Кейинги ҳаракатлар ушбу Низомнинг 6.3-6.5-бандларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

7.3. Судьяга таътил берилганда, хизмат сафарига ёки ўқишга юборилганда, яъни судья ишда бўлмаган пайтда кўрилиши лозим бўлган ишларни қайта тақсимлаш, девонхона томонидан судьяга таътил бериш, уни ўқишга ёки хизмат сафарига юбориш ҳақида буйруқ (фармойиш) нусхаси олинган куннинг эртасида амалга оширилади.

Судьянинг вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлиги сабабли ишда бўлмаган даврда кўрилиши лозим бўлган ишларни қайта тақсимлаш, судьянинг вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлиги аниқланган куннинг ўзида амалга оширилади.

## **8. АТИТ дастурининг ишини мониторинг қилиш**

8.1. Ишларни автоматик тарзда тақсимлаш дастурини (АТИТ Модулини) аниқ ишлаши ва хатоларини аниқлаш мақсадида унинг иши бўйича мониторинг ўтказилади.

8.2. АТИТ дастурининг иши ахборот технологиялари ходими томонидан амалга оширилади, зарур ҳолларда дастурнинг иши тўғрисида суд раисини хабардор қилади.

8.3. Суд раиси томонидан ишларни аниқ ва тўғри тақсимланишини назорат қилиш қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

девонхона мудирлари тақдим қиладиган АТИТ реестрини ҳар куни текшириш йўли билан;

АТИТ тақсимлаш учун судьялар юкламасини, классификаторларни тўғри тўлдирилишини ҳар ҳафтада текшириш йўли билан;

Биринчи инстанция судида АТИТ бўйича судьялар юкламасида очиқ-ойдин номувофиқлик аниқланган тақдирда, (масалан, катта миқдордаги низолар келиб тушиши муносабати билан ишларни ҳудудий ихтисослашув бўйича судьяларга тақсимлашда) суд раиси судья (судьялар) ихтисослашувига ўзгартириш киритади.

8.4. Иқтисодий суднинг девонхона мудирлари АТИТ бўйича келиб тушган таклиф ва эътирозларни йиғади ҳамда ҳисобини юритади.

АТИТ дастури бўйича келиб тушган эътироз ва таклифларни ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Олий судига юборади.

8.5. Автоматик тарзда ишларни тақсимланишини мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг буйруғи билан ишчи гуруҳи тузилади.

Ишчи гуруҳи ишларни автоматик тарзда тақсимлаш дастури юзасидан келиб тушган таклиф ва эътирозларни кўриб чиқади ва ўрганади, улар натижасида ишларни аниқ тақсимланишини таъминлайдиган ягона усулни ишлаб чиқиш мақсадида АТИТнинг дастурий таъминотига, зарур ҳолларда мазкур Низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида таклиф киритади.

## 9. Яқунловчи қоидалар

9.1. Бир ёки бир неча бирлаштирилган талаблар алоҳида иш юритишга ажратилганда, девонхона мудирлари АТИТ Модулига қўл режимида бу тўғрисидаги ёзувни киритади ва алоҳида иш юритувга ажратилган иш шу ишни алоҳида иш юритувга ажратган судьяга юборилади.

9.2. Айни бир шахслар иштирок этаётган ўзаро боғлиқ бўлган бир неча ишлар битта иш юритувга бирлаштирилганда, девонхона мудирлари қўл режимида АТИТ Модулига бу тўғрисидаги ёзувни киритади ва реестр орқали ишларни битта иш юритувга бирлаштириш тўғрисидаги ажримни чиқарган судьяга ўтказилади.

9.3. Даъво аризаси (ариза) иқтисодий суд томонидан қайтарилгандан сўнг такроран келиб тушганда, у қўл ёзма шаклида тақсимланади ва шу даъво аризасини (аризани) олдин қайтарган судьяга юборилади.

9.4. “Е-XSUD” АТнинг техник носозлиги (электр энергиясини узоқ вақт мобайнида ўчиши, таъмирлашни талаб қиладиган тизимнинг носозлиги ва бошқалар) вақтида ишларни тақсимлаш суд раиси ёки унинг васифасини бажарувчи шахс томонидан қўл ёзма шаклида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси  
иқтисодий судларида  
ишларни автоматик  
тақсимлаш тўғрисидаги  
низомга

1-ИЛОВА

**Судьяларнинг ҳудудий ихтисослашуви бўйича тақсимланадиган  
даъво аризалари  
РЎЙХАТИ**

№	Низо тоифалари	Низо тоифалари	Кoeffициентлар
1.	Рўйхатга олувчи органнинг олти ой мобайнида (савдо ва савдо-воситачи корхоналари уч ой мобайнида) банк ҳисоб рақамлари бўйича пул операцияларини ўтказган ҳолда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширилмаган, шунингдек қонунчиликда белгиланган муддатда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тўғрисидаги аризалар.	26	0,4
2.	Қарздорни банкрот (соддалаштирилган тартибда) деб топиш тўғрисидаги аризалар.	23	1,0
3.	Консигнация шартномалари бўйича қарздорликни ва/ёки жарима ундириш (суд буйруғи бериш тўғрисидаги аризалар) тўғрисидаги даъво аризалари.	3	0,4 (0,1)*
4.	Ёқилғи мойлаш ва қишлоқхўжаликкимё маҳсулотларини етказиб бериш, МТП хизматларини кўрсатиш ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари томонидан консигнация шартномалари бўйича мажбуриятларни бажарилиши билан боғлиқ бошқа шартномалар юзасидан қарздорлик ва/ёки жаримани ундириш тўғрисидаги даъво аризалари (суд буйруғи бериш тўғрисидаги аризалар).		0,3 (0,1) *

\* қавсда кўрсатилган 0,1 коэффицент суд буйруғи бериш тўғрисидаги аризаларга қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси  
иқтисодий судларида  
ишларни автоматик  
тақсимлаш тўғрисидаги  
низомга

2-ИЛОВА

**Тузатувчи коэффициентлар қўлланиладиган  
низолар (ишлар)  
РЎЙХАТИ**

№	Низо тури	Низо тоифа- лари коди	коэффи- циент- лар
1	Қурилиш пудрати шартномасидан келиб чиқадиган низолар	5.2	0,7
2	Кредит шартномасидан келиб чиқадиган низолар	9	1,0
3	Лизинг шартномасидан келиб чиқадиган низолар	10	0,9
4	Суғурта шартномасидан келиб чиқадиган низолар	13	0,9
5	Узоқ муддатли ер ижара шартномасидан келиб чиқадиган низолар	19	0,8
6	Давлат мулкни (хўжалик жамияти устав фондидаги давлат улуши (акцияси))ни хусусийлаштириш (эгаллик қилиш) билан боғлиқ низолар.	30	1,0
7	Корпоратив низолар	39	1,0
8	Интеллектуал мулкни (шу жумладан, товар белгиларидан фойдаланиш) ҳимоя қилиш билан боғлиқ низолар	38.2	1,0
9	Шартномаларни тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ низолар	3, 4	1,0
10	Битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низолар	5	1,0
11	Мулк ҳуқуқини тан олиш тўғрисидаги низолар	22	1,2
12	Банкротлик (умумий тамоил бўйича)	23	1,0
13	2 ва ундан ортиқ жавобгарлар иштирок этадиган ишлар (ушбу рўйхатнинг 1-11-бандларидан ташқари)		1,0
14	2 ва ундан ортиқ талаблар билдирилган даъволар бўйича ишлар (қарздорлик, неустойка, фоиз ва зарарларни ундириш тўғрисидаги, шунингдек ушбу рўйхатнинг 1-12-бандларида кўрсатилган ишлар)		1,0